

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“Микрокредитбанк”**  
акциядорлик-тижорат банки  
Акциядорларининг навбатдаги  
йиллик умумий йиғилишининг  
2023 йил “27” июндаги  
1-сонли баённомаси билан



**Йиғилиш раиси**

\_\_\_\_\_ **Ф. Нурғалиев**

М.ў.

**“Микрокредитбанк”** акциядорлик-тижорат банкининг  
**“Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби**  
**тўғрисида”**ги Низомига киритилган ўзгартиришлар

**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**  
“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки  
Кузатув кенгаши мажлисининг  
2023 йил “15” июндаги 31-сонли баённомаси билан  
**Кузатув кенгаши раиси**



\_\_\_\_\_ **О. Исаков**

Бошқарувининг  
2023 йил “12” июндаги 76-1-сонли қарори билан  
**Бошқарув раиси**



\_\_\_\_\_ **О. Бутаев**

**Тошкент – 2023 йил**



**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
“Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби  
тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар**

**1. Низомнинг 28-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“28. Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариш, жумладан яшаш жойидан ташқарида бўлган акциядорларнинг умумий йиғилишларида ҳамда Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари йиғилишларида (мажлисларида), шунингдек Банк, акциядорлар ва Кузатув кенгаши раиси томонидан ташаббус қилинган йиғилиш, форум, конференция, тақдимот ва бошқа тадбирларда иштироки билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш учун Банк томонидан мазкур Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ ва Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари билан тузилган шартномаларда белгиланган тартиб ва миқдорда компенсация қилинади”.

**2. Низомнинг 29-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“29. Кузатув кенгаши аъзолари харажатлари ўрнини қоплаш учун компенсацияларнинг энг кўп миқдори қуйидагича белгиланади:

а) белгиланган жойга бориш ва доимий иш ёки яшаш жойига қайтиш учун транспорт харажатларига (транспортда йўловчиларни мажбурий шахсий суғурталаш учун суғурта полиси, йўл ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизматлар тўлови ва ҳ.к.):

ҳаво транспорти бўйича тежамли-класс тарифи миқдорида, агар уч соатдан кўпроқ учиб шароити бўлса бизнес-класс тарифи миқдорида;

темир йўл транспорти бўйича бизнес-класс вағони тарифи миқдорида;

автомобиль транспорти бўйича йиғилиш ва тадбирлар ўтказиладиган аҳоли яшайдиган пунктдаги трансфер ёки бундай аҳоли яшайдиган пунктга энг яқин аэропорт (темир йўл вокзали), йиғилиш ва тадбирлар ўтказиладиган жойгача меҳмонхона ва қайтиш йўл харажатлари ҳақиқий миқдорида;

б) йиғилиш ва тадбирлар ўтказиладиган даврда, шу жумладан Кузатув кенгаши аъзосининг келиш/кетиш кунлари давомида яшаш учун (турар жойни ижараси бўйича) харажатларига 5 юлдузли меҳмонхонанинг “стандарт” классидан юқори бўлмаган турар-жойни ижарага олиш бўйича харажатлар миқдорида (бунда, Кузатув кенгаши аъзоси илтимосига асосан Банк меҳмонхонада турар-жойни олдиндан банд қилиб қўйишга ва Банк маблағлари ҳисобидан ижара ҳақини тўлашга ҳақли);

в) йиғилиш ва тадбирлар давомида вакиллик харажатларига (нонушта, тушлик, кечки овқат, транспорт таъминоти, музокаралар вақтида буфет хизматларини кўрсатиш, ташкилот штатида бўлмаган таржимон хизматига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга) уларнинг ҳақиқий миқдорида (бунда, Банк ўз маблағлари ҳисобидан вакиллик харажатларини компенсация қилмасдан амалга оширишга ҳақли);

г) суткалик харажатларига Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Банк Бошқаруви учун белгиланган энг юқори миқдорда (бунда, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ суткалик харажатларни амалга ошириш талаблари инобатга олинади)”.

КСИЯД  
ODOLOGI  
HQARMA  
2. \* 1XNY

**3. Низомнинг 30-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“30. Кузатув кенгаши аъзолари сарфланган харажатлар компенсациясини олиш учун Банк Кузатув кенгаши котибиятига ҳақиқий харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхасини (билет/электрон билет, чиқиш талони, меҳмонхонада яшаш учун ҳисобварақ ва ҳ.к.) илова қилган ҳолда ариза юборади”.

**4. Низомнинг 31-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“31. Банк Кузатув кенгаши котибияти мазкур Низом 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай сарфланган харажатларни компенсация қилиш тўғрисида билдиришномани олинган ҳужжатларни илова қилган ҳолда мазкур Низом 6-бандида белгиланган Банк Бошқаруви аъзосига юборади”.

**5. Низомнинг 33-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“33. Кузатув кенгашининг аъзоларига компенсациялар тўлаш мазкур Низом ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Бунда, Кузатув кенгаши аъзолари компенсация қилинадиган харажатларни оқилона ва тежамкор амалга оширишлари лозим”.

«MIKROKREDITBANK» ATB  
METODOLOGIYA BOSHQARMASI

I-06/90-raqam bilan ro'yxatdan o'tgan  
2023 yil « 6 » *may*

*[Signature]*  
imzo

*[Signature]*

*[Signature]*

